



## ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА БИЛВОСИТАЛИК ВА ИМПЛИЦИТЛИК ТУШУНЧАЛАРИ

*Шамахмудова Азиза,*

*СамДЧТИ катта илмий ходим-изланувчиси*

**Калит сўзлар:** лисоний прагматика, билвоситалик, имплицитлик, билвосита нутқий акт, имплицит нутқий акт.

Замонавий тилшуносликка прагматик ёндашув нуқтаи назаридан қаралганда билвосита нутқий актнинг пайдо бўлиш ва шарҳланиш жараёнлари билан боғлиқ саволларни кўриб чиқишга алоҳида аҳамият берилади. Мулоқот жараёнида сўзловчи томонидан аниқ бир вазиятда танлаб олинган билвосита лисоний шакллар, шунингдек, нутқий тузилманинг мулоқот мақсадини ёритиб берадиган омилларини ўрганиш замонавий прагматингвистик изланишларнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. (И. А. Стернин, Е. В. Милосердова, В. В. Дементьев, J. Meibauer, С. Erhardt, Н. Heringer).

Нутқий актлар назариясида сўзловчи томонидан танлаб олинган коммуникатив стратегиядан келиб чиқиб, бевосита нутқий актларга қарама-қарши қилиб қўйилган билвосита нутқий актлар марказий муаммолардан бири саналади. Тилшуносликка оид адабиётларда билвосита нутқий актлар табиати ва унинг тавсифи, нутқий тузилманинг билвосита маъносининг воқеланиши механизмига оид турлича нуқтаи назар ва қарашлар баён этилган (Дж. Серль, Дж. Лич, Р. Бертолет, О. И. Герасимова, Г. Г. Почепцов ва бошқ.). Бу соҳада кўплаб изланишлар олиб борилганига қарамасдан, баъзи саволлар ҳозирги кунга қадар мунозаралидир. Тилшунос олимларнинг билвосита нутқий актлар табиати борасидаги фикрларининг бир бирига мос келмаслигига асос бор. Чунки “билвосита нутқий акт” ва “имплицит нутқий акт” тушунчалари охиригача аниқланмаган ва бу тилшуносликда билвосита ва

имплицитлик тушунчалари кесишувига асосланган.

Тил ҳақидаги таълимотда билвоситалик бир тил белгиси ёрдамида бошқа белги маъносини ифодалашга қаратилган конвенционал ифодалаш воситаси сифатида қаралади (Кобозева 1986: 7-21). Шу нуқтаи назардан бир иллокутив акт бошқа бир иллокутив акт воситасида амалга оширилиши анъанавий тарзда билвосита нутқий тузилма, деб тан олинган (Падучева 2010: 87). Сўзловчининг асл мулоқот мақсади бу турдаги нутқий актда имплицит (яширин) ифодаланган, яъни мулоқотнинг тил тизимида тўғридан тўғри акс этмаган.

А: *Creo que biología es muy interesante, pero este profesor...*

Б: *Sí, él es como dormitivo.*

Келтирилган нутқий актда биргина, яъни тасдиқ иллокутив кучи амалга оширилган. Билвосита нутқий актлар нуқтаи назардан Б нутқий тузилмаси билвосита нутқий акт эмас, чунки нутқий актнинг иллокуцияси эмас, балки пропозицияси билвосита бўлиб келган. Ўқитувчини уйқу келтирувчи дори билан қиёсланиши нутқий актнинг пропозицион қисмини ташкил этади ва бу, шубҳасиз, сўзма-сўз тушунилмайди. Келтирилган нутқий тузилма бевосита нутқий акт сифатида қаралиши лозим.

Аксинча, билвосита нутқий актларда унинг пропозиционал маъноси эмас, балки иллокуцияси яширин ифодаланиши кузатилади. Шу билан биргаликда, нутқий актнинг пропозиционал мазмунини ифодаловчи ташқи структураси нутқий тузилмани тўғри тушунишда белгилувчи нуқта



сифатида намоён бўлади. Акс ҳолда, тингловчи нутқий тузилманинг асл маъносидан тўғри хулосага кела олишининг иложи бўлмаган бўлар эди. Билвосита нутқий актларнинг маъносини тингловчи келтирилган матннинг эксплицит ифодаланган пропозицион мазмунидан тушуна олади. Бу турдаги нутқий актларнинг ташқи структурасида унинг асл мулоқот интенциясини кўрсатиб турувчи белгилар мавжуд бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тилшуносликда билвоситалик тушунчаси билдирилган фикрнинг пропозициясига ҳам, иллокуциясига нисбатан ҳам қўлланилади. Пропозициянинг билвоситалигига мисол қилиб қўйидаги жумлани келтиришни жоиз топдик:

*Esta zorra es mi mujer. Бу тулки мени хотиним бўлади.*

Юқорида таъкидлаганимиздек, билвоситалик тушунчаси лингвистикада имплицитлик термини билан кесишади. Имплицитлик атамаси тилшуносликда системанинг исталган қатламида намоён бўлиши мумкин бўлган лисоний бирликларнинг умумий хусусияти деб тан олинган (Е. И. Шендельс, В. Х. Багдасарян, А. В. Старкова, К. А. Долинин, Л. В. Лисоченко, И. А. Стернин, В. В. Дементьев ва ҳоказо.) ва у “имплицатура”, “прессупозиция”, “матн” каби унинг бошқа чегарадош объектлари билан алоқасида кўриб чиқилади. Ифода мазмуни нутқий тузилманинг структуравий тузилишида \_\_\_бевосита ифодаланмаганлиги имплицитликнинг асосий мезони ҳисобланади. А. В. Бондарко матн мазмуни режасини таҳлил қилаётиб, унинг таркибига имплицитлик компонентини қўшади. Тадқиқотчининг фикрича, имплицитли тузилма тўғридан тўғри аниқ лисоний воситалар орқали ифодаланмасдан, балки эксплицит ифодаланган семантик элементлар, уларнинг ўзаро нисбати ва ўзаро таъсиридан англаб олинади. (Бондарко 1978: 105). Имплицитликни “бевосита ифодаланмаган мазмунни англаб олиш”

деб тарифлаган М.В. Никитин ҳам шу фикрни маъқуллайди. Ушбу муаллиф томонидан белгиланишича, имплицит маъно бевосита ифода шаклига эга эмас ва уларни тушуниш осон кечмайди: улар нутқий тузилма эксплицит маъносининг у вокеланган шароити билан ҳамкорлигида вужудга келади. К.А. Долинин ҳам имплицит мазмунни нутқий тузилмани ташкил этувчи тил бирликларининг грамматик ва лексик мазмунида акс этмаган, балки тингловчи мулоқот вазияти матнидан келиб чиққан ҳолда яширин ифодани тушуна олиш қобилияти орқали ахборотни тўғри фаҳмлашига боғлиқ деб таъкидлаган (Долинин 1983: 37). Имплицит ахборотни тушуниш тингловчи томонидан лисоний бирликлар ва уларнинг луғавий маъносини қиёслаш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатни такозо этади (Калинин 1999: 31).

Шундай қилиб, тадқиқотчилар имплицитликни бир овозда тил воситаларида бевосита ифода топмаган, тингловчи томонидан нутқий тузилманинг вокеланиш шароитлари ва эксплицит ифодаланган маъно ҳамкорлигидан келиб чиқиб фаҳмланадиган элемент сифатида тушунадилар. Имплицитлик ҳодисасига бундай ёндошув билвосита нутқий актлар ва имплицит нутқий актлар тушунчаларини бутунлай синоним сифатида қараб чиқиш имконини беради. Бироқ, замонавий тилшунослик адабиётларида ушбу тушунчаларни ажратиш кўрсатадиган нуқтаи назарлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Е.В. Милосердова “билвосита нутқий акт” ва “имплицит нутқий акт” атамаларини бир биридан ажратувчи учта меъёрни кўрсатади. Биринчиси сифатида вокеланувчи мазмуннинг луғавий маънога яқинлигининг турли даражаси намоён этилиши қабул қилинган. Билвосита нутқий тузилмаларда бу чекиниш унчалик сезиларли бўлмаганлиги туфайли тингловчи сўзловчининг мулоқот мақсадини осон илғайди. Таъкидлаб ўтиладики, билвосита нутқий



тузилмаларнинг иллокутив вазифаси контекст ва шароитга боғлиқ эмас. Иккинчи меъёр сифатида сўзловчи фаолиятининг жадаллиги қабул қилинган. Билвосита нутқий тузилмалар орқали мулоқот жараёнига киришиш сўзловчидан имплицит нутқий тузилмалар тузишдан кўра камроқ “сарф” ни талаб этади. Имплицитлик мақсадни шаклан ифодаламайди. Учинчи меъёр тингловчи муносабатининг табиати ҳисобланади. Тингловчининг билвосита нутқий тузилмага ноадекват муносабати унинг мулоқот жараёнини қасддан бузганлигидан далолат беради (Милосердова 2001: 40-41). Аммо Е.В. Милосердова томонидан илгари сурилган «билвосита нутқий акт» ва “имплицит нутқий акт” атамаларини фарқлаш критериялари ушбу тушунчалар ўзаро нисбати муаммосини тўлиқ ёритиб беришга етарлича аниқ эмас. Иккинчидан, муҳокама этилаётган атамаларни фарқлаш муаммоси ушбу муаллифнинг концепциясида кўп жиҳатдан нутқий актнинг конвенционалликка таяниб қараб чиқилган. Конвенционал нутқий актлар кўпинча билвосита нутқий тузилмаларга хос деб олинса, ноконвенционаллар имплицит тузилмаларга яқин деб кўрсатилган. Кўриниб турибдики, ушбу ҳодисаларни бундай яқинлашуви муаллифнинг конвенционалликни тор маънода, мулоқотда лисоний ва нутқий шароитга амал қилиниши сифатида, билвосита нутқий актлар деб, мақсаднинг анъанавий йўл билан ифодаланишида намоён бўладиган нутқий тузилмаларни тушунишидан келиб чиққан. Шунинг учун билвосита нутқий актлар сифатида, авваламбор, сўзловчи ниятининг қолиплаган шаклда ифодаланиши қараб чиқилади. Конвенционаллик бевосита нутқий актларга қараганда кўпроқ билвосита тузилмаларга хос ва билвоситалик нутқий мулоқот вазиятининг турли параметрлари билан яқиндан боғланган, деган фикрга қўшилмай иложимиз йўқ. Аммо қуйидаги шароитларни назардан четлаштирмаслик

лозим. Конвенционал ва ноконвенционал нутқий актларнинг замонавий назариясида исботланган фараз сифатида кўрсатилган турлар орасида аниқ чегаралар белгиланмаганлиги кўрсатилган (Т. В. Булыгина, В. Г. Гак, М. Л. Макаров, В. В. Дементьев). Тилшунослик адабиётларида нутқий актнинг имплицитлигига ўзгача нуқтаи назар билан қаралган. Масалан, О.Г. Почепцев перформатив нутқий тузилмалар таснифини шакллантираётиб, бундай нутқий актларни бир иллокутив вазифали (“оддий перформативлар”) ва икки ёки ундан ортиқ иллокутив вазифалиларга (мураккаб перформативлар”) ажратади. Ҳам оддий, ҳам мураккаб перформативлар эксплицит бўла олгани каби, имплицит ифодаланиши ҳам мумкин. Эксплицит ифодаланган мураккаб перформативлар таркибида иллокутив феъл мавжуд бўлади, лекин имплицитлар, муаллифнинг таъкидлашича, иллокутив акт тасвири кўрсатилмаган мураккаб перформативлар ҳисобланади (Почепцев 1986: 25-26). Масалан:

1) *¿Queria preguntarle si podrias sacar un perro por la tarde?*

2) *Paso un frío tremendo aqui. (¡Póngate su abrigo!)*

Агар ушбу тадқиқотчининг таклиф этган мезонига асосланадиган бўлсак, биринчи нутқий тузилмани эксплицит мураккаб перформатив деб тасдиқлаш лозим, чунки унинг таркибида *preguntar* иллокутив феъли мавжуд. Иккинчи нутқий актнинг таркибида иллокутив акт яққол тасвирланмаганлиги сабабли, уни имплицит мураккаб перформатив сифатида тан олиш ўринлидир.

Е.В.Милосердова ҳам имплицитликни мақсад шаклан ифодаланмаган нутқий тузилма деб таърифлайди (Милосерова 1991: 155-156). Ушбу баъдан келиб чиққан ҳолда, имплицитликнинг мезони сифатида, нутқий тузилманинг таркибида унинг ҳақиқий мақсадига тўғри келадиган иллокутив феълнинг бор ёки йўқлигини ҳисобга олиш лозим бўлади. Демак,



биринчи нутқий тузилмани эксплицит ва кейингисини имплицит ифодаланган дейишимизга гумон йўқ. Ушбу мисолларга Ж. Серль терминологияси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, улар билвосита нутқий акт ҳисобланадилар, аммо улар бир турли (моноинтенционал) эмаслар. Унда биринчи мисолда намоёиш этилган нутқий тузилма полифункционал (кўп вазидали) нутқий акт сифатида қаралиши мумкин. Ушбу нутқий тузилма шаклан тасдиқ бўлишига қарамасдан, адресат томонидан сўроқ сифатида фахмланиши, амалга оширилган иллокутив кучларнинг бир бири билан кесишувини юзага келтиради.

*Cuando comes su sopa, puedes ir a jugar con sus amigos.*

Ушбу нутқий акт шаклан тасдиққа тўғри келсада, мазмунан буйруқ вазидали амалга оширилган. Лекин юқорида кўриб ўтганимиздек, тасдиқнинг иллокутив вазидалини кенг маънода қараб чиқиш мумкин. Сўзловчи бир вақтнинг ўзида тингловчининг ўйнай олиш имконияти ҳақида хабар берапти ва фаолиятга яъни, овқатини ейишга ундапти, аммо вазидаларнинг ўрин алмашинуви кузатилмаяпти.

Лисоний бирликларнинг кўпмаънолиги ҳақида кўплаб тилшунос олимлар фикр билдирганлар. Инглиз файласуфи Майкел Даммет 1975 йилда эълон қилган “Маъно назарияси нимадан иборат?” номли мақоласида сўз ва лисоний бирликларнинг маъносини фахмлаш, бу бирликларнинг тилдаги ролини билишдир деб баён этган эди. Демак, маъно назарияси тилнинг қандай фаолият кўрсатиши ҳақидаги билимдан иборат бўлиши керак. Бундай назария айни пайтнинг ўзида билиш ва идрок этиш назарияси ҳам бўлади, чунки унинг воситасида ҳар бир шахс ўз она тилидаги лисоний бирликлар мазмунини идрок этиш учун олдиндан қандай тур ва ҳажмдаги билим заҳирасига эга бўлиши лозимлигини изоҳлаш мумкин.

Рей Жекендофф маъно тадқиқини “тубсиз хум” га ўхшатган бўлса, немис психологи Фридрих Георг Юнгер бундай тадқиқни маъно элементларининг “денгиздаги қумдек чексиз” эканлигини ва уларнинг илмий тадқиқи “мантқиқий рухий жиҳатдан ҳис этиш, тавсифлаш, тушунтиришдан” иборат бўлишини қайд этган (Юнгер 2005: 162). Ҳақиқатдан ҳам лисоний бирликлар мазмуний жиҳатдан пиёздек кўп қобиқли тузилишга эга, ҳар бир қобиқ умумий маънога янги мазмун олиб келади ва ушбу бирликнинг лисоний мулоқот матнларида қўлланишига туртки беради (Сафаров 2008: 103).

Бир иллокутив вазидали бошқа бир иллокутив вазидали воситасида амалга ошадиган ва иллокутив функцияларнинг синкретизм ҳодисаси кузатилмайдиган нутқий тузилмалар ўзгача табиатга эга. Шунингдек, қуйидаги нутқий тузилмада ҳам ундаш мақсади тасдиқ иллокутив вазидали орали амалга оширилган:

*Si llegas a casa tarde, su madre estará enfadada.*

Сўзловчи ҳамсуҳбатига унинг уйга кеч бормаслиги кераклигини тушунтирапти. Нутқий тузилманинг ташқи тузилишида фақат тасдиқ аломатлари кузатилади, лекин мулоқот вазидали сўзловчининг ҳақиқий коммуникатив нияти – ўртоғининг эртароқ уйга қайтариш эди. Нутқий тузилманинг ҳақиқий интенцияси фақат маълум бир матндан фахмланилади.

Юқорида тилга олинганлардан шундай хулосага келамизки, “билвосита” ва “имплицит” атамаларини бир биридан ажратиш тил ва нутқда ушбу феноменларнинг кесишишига асосланган. Кўрсатилган тушунчалар мазмунининг умумийлиги туйғу тажрибаси билан пайқаладиган вариантлар сифатида “билвосита нутқий актлар” ва “имплицит нутқий актлар” атамаларининг тилшунослар томонидан аниқ тавсифсиз, фарқланмасдан ишлатилишига асос бўлади. Илмий адабиёт ва тил материалларининг таҳлили билвоситалик



ва имплицитлик тушунчалари билвосита нуткий актларга нисбаттан ўзаро алмашиладиган эмаслигини ва турли лисоний ходисаларга боғлиқлигини тушуниб олдик. Билвосита деб – нуткий тузилма иллокутив мақсадининг билвосита ифодаланишига айтилади, имплицитлик тушунчаси эса нуткий акт иллокутив функцияси кўрсаткичлари формал

ифодаланмаганлигида билинади. Билвосита нуткий актлар сифатида бир иллокутив вазифа бошқа иллокутив функция воситасида амалга ошириладиган нуткий тузилмаларни тушуниш қабул қилинган. Билвосита нуткий актда бир пайтнинг ўзида икки иллокутив ҳаракат бажарилади.

#### Адабиётлар

1. Бондарко А.В. Грамматическое значение и смысл. - М.: Наука, 1978.
2. Долинин К.А. Имплицитное содержание высказывания // Вопросы языкознания. - № 6. - 1983. - С. 37 - 47.
3. Калинин К.И. Имплицитность в языке и речи. - М.: Языки русской культуры, 1999.
4. Кобозева И.М. «Теория речевых актов» как один из вариантов теории речевой деятельности // Новое в зарубежной лингвистике. - М.: Прогресс, 1986. - Вып. XVII. Теория речевых актов. - С. 7 - 21.
5. Милосердова Е.В. Прагматика речевого общения. - Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р. Державина, 2001.
6. Милосердова Е.В. Семантика и прагматика модальности как грамматической категории. - Воронеж: ВГУ, 1991.
7. Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. - М.: Высшая школа, 1988.
8. Падучева Е.В. Высказывание и его соотносительность с действительностью: Референциальные аспекты семантики местоимений. - М.: ЛКИ, 2010.
9. Почепцов О.Г. Основы прагматического описания предложения. - Киев: Вища школа, 1986.
10. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б. 81-82.
11. Austin J.L. How To Do Things With Words. –Oxford: Oxford Univ. Press., 1962; 2 nd ed., 1973.- 167 p.
12. Searle J. P. Expression and meaning. Studies in the Theory of Speech Acts. – Cambridge: Cambridge University Press, 1979. P. 48.

*Шамахмудова А. Понятие косвенности и имплицитности в современной лингвистической науке. Данная статья рассматривает проблему соотношения терминов косвенности и имплицитности с точки зрения современной лингвистики. Рассматриваются критерии выделения природы косвенных речевых актов.*

*Shamaxmudova A. About notions of indirectness and implicity in modern linguistics. This article deals with a problem of indirect and implicit speech acts correlation in modern linguistics. Indirect nature of speech acts and its accentuation are discussed from pragmatic point of view.*